


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 29 декабрдаги 694-сон қарори ва қарор билан
тасдиқланган
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг
рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни
юзасидан

ТАҚДИМОТ

Қабул қилиниши учун асослар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислоҳотлар доирасида рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 6 июлдаги ПФ–108-сон Фармони

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги ЎРҚ-850-сон Қонуни

Қарорнинг мазмун-моҳияти ва унга кўра киритилган янгиликлар: *жумладан, мазкур Қарор билан иккита норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди:*

Рақобатга таъсирни баҳолаш

› Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолашнинг асосий вазифалари ва мезонлари;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг (ex-ante ва ex-post) рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш учун ахборот манбалари;

Инсофсиз рақобатни аниқлаш методикаси:

- рақобатни ҳимоя қилиш мақсадида товар ёки молия бозорида рақобатчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан содир этилиши тақиқланган ҳолатлар;
- инсофсиз рақобатни аниқлаш босқичларини белгилаш;
- инсофсиз рақобат белгиларини аниқлаш;
- инсофсиз рақобат ҳолатларини кўриб чиқиш тартиби.

Инсофсиз рақобатни аниқлаш

Низомда қуйидагилар назарда тутилган:

1) Рақобатга таъсирни баҳолашнинг асосий вазифалари

2) Рақобатга таъсирни баҳолашнинг асосий мезонлари

3) Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини “ex-ante” ва “ex-post” усулларида баҳолаш

Қуйидагилар рақобатга таъсирни баҳолашнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- лойиҳаларни ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий оқибатларини товар ёки молия бозорларида рақобатни чеклаш қисми бўйича умумий баҳолаш;
- қонунчилик ҳужжатларини қўллаш жараёнида товар ёки молия бозорларида рақобатни чеклаш хавфини аниқлаш;
- товар ва молия бозорининг барча иштирокчиларига товарлар (ишлар, хизматлар) учун тенг имкониятлар яратишда тўсқинлик қилиши мумкин бўлган омилларни аниқлаш.

Қуйидаги ҳолларда рақобатга таъсирни баҳолаш ўтказилмайди:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ёки оқибатларини бартараф этиш, юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича чекловчи тадбирлар (карантин)ни белгилашга қаратилган бўлса;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг лойиҳасида ЯНГИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ўзгартириш ва қўшимчалар назарда тутилса.

Қуйидагилар рақобатга таъсирни баҳолашнинг **асосий мезонлари** этиб **белгиланди:**

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи **хўжалик юритувчи субъектларининг доираси** ва **сонини чеклашга олиб келса**;
- етказиб берувчиларнинг **ўзаро рақобатлашиш** имкониятини **чегараласа**,
- етказиб берувчиларнинг бозор муносабатларида **ўзаро рақобатлашишга** қизиқишини **пасайтирса**,
- етказиб берувчиларнинг янги технологиялар, маҳсулотлар ёки бизнес моделларини **амалиётга жорий этишни чекласа** рақобат учун **салбий деб баҳоланади**

Рақобатга таъсирни баҳолашнинг асосий мезонларига киритилган янги талаблар:

г) етказиб берувчиларнинг янги технологиялар, маҳсулотлар ёки бизнес моделларини амалиётга жорий этишни чекласа, жумладан:

ИННОВАЦИЯЛАР асосий хусусият бўлган бозорларда инновацияларни жорий этишни чекласа ёхуд уларни жорий этишга бўлган қизиқишни пасайтирса;

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРни қўллашни чекласа ёки етказиб берувчиларни бизнес моделлардан фойдаланишларига тўсқинлик қилса;

инновацияларнинг ИСТИҚБОЛИНИ ЧЕКЛАСА;

2023 йил давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини **“ex-ante” усулида баҳолаш**

Қўмита томонидан **2023 йил давомида 614 та нормотив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг** *(**80 та** қонун лойиҳаси **165 та** Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари лойиҳаси, **339 та** Вазирлар Маҳкамаси қарори ва фармоийлари, **30 та** идоравий нормотив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси)* **рақобатга таъсири** белгиланган тартибда баҳолашдан ўтказилди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш натижаларига кўра, **285 та** (**46,6 фоиз**) **лойиҳада рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи нормалар мавжудлиги аниқланиб, тегишли таклиф ва этирозлар** билдирилди.

- 2023 йил давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини **“ex-post” усулида баҳолаш**

- Қўмита томонидан **2023 йил давомида 170 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг** *(**12 та** Қонун ҳужжатлари, **54 та** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари ҳамда **84 та** Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари)* **рақобатга таъсири** белгиланган тартибда баҳолашдан ўтказилди.

- Натижада, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан берилган эксклюзив ҳуқуқлари мавжуд **50 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар белгиланган тартибда Эксклюзив ҳуқуқлар берилган хўжалик юритувчи субъектларнинг реестрига** киритилди.

- Тенг рақобат муҳитини таъминлаш мақсадида ушбу реестрга киритилган **8 та хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этилган эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда рақобатни ривожлантириш ва хусусий секторнинг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси** ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда Ҳукуматга киритилди.

2023 йил давомида ҳудудий бошқармалар томонидан маҳаллий ҳокимият ва ташкилотларда ўтказилган ўрганишлар

- Қўмита ва унинг ҳудудий органлари томонидан республика бўйича **178 та маҳаллий давлат ҳокимияти органлари** ҳамда **41 та давлат бошқарув органларининг** қабул қилган ҳужжатларини рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан ўрганишлар ўтказилди.

- Ўрганиш натижасига кўра **717 та ҳолатда рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига зид равишда ҳужжатлар** қабул қилинганлик ҳолатлари аниқланди.

- Туман ва шаҳар ҳокимликларида ўтказилган ўрганишлар ҳудуд бўйича таҳлил қилинганда юқори кўрсатгичлардан **Қорақалпоғистон Республикаси 127 та**, **Хоразм вилояти 106 та**, **Жиззах вилоятида 94 та**, **Самарқанд вилоятида 86 та**, **Қашқадарё вилоятида 53 та** ва **Бухоро вилоятида 42 та** ҳолатда рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига зид равишда ҳужжатлар қабул қилинганлиги кузатилди.

- Ушбу аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича Қўмита ва унинг ҳудудий органлари томонидан жами **102 та** ишлар юритувга олинди, **98 та** ишларни кўриб чиқиш якунига етказилиб, Қўмитанинг тегишли қарор ва кўрсатмаларига мувофиқ **167 та ҳужжатлар бекор қилинди.**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг

рақобатга таъсирни баҳолаш (“Ex-ante”)да ўзгартириш киритилган қоида

9. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жамоатчилик муҳокамаси ва идоралараро келишув якунлари бўйича қайта ишланган лойиҳа ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган тегишли ҳужжатлар билан бирга ваколатли органнинг ҳудудий органларига киритилади.

Ваколатли органнинг ҳудудий органлари томонидан лойиҳа ушбу Низом ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг
рақобатга таъсирини баҳолаш (“Ex-post”)да ваколатли органнинг ҳудудий органларига юклатилган вазифалар

14. Ваколатли орган ва унинг ҳудудий органлари томонидан ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган нормалар мавжуд бўлган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рақобатга таъсири ҳамда рақобат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлиги ваколатли орган томонидан тасдиқланган режа-график асосида “ex-post” усулида баҳоланади.

15.“Ex-post” усулида баҳолаш жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига, жамоатчилик назорати субъектларининг таклиф
ва тавсияларига, оммавий ахборот воситалари орқали ўрганилган ёки чоп этилган бошқа материалларни ўрганиб чиқиш натижаларидан келиб чиқиб амалга оширилиши мумкин. Бунда баҳолаш 10 КУН МУДДАТ мобайнида амалга оширилади.

16. Ваколатли органнинг ҲУДУДИЙ ОРГАНЛАРИ ҲАР ЧОРАК ЯКУНИ бўйича баҳолаш натижалари юзасидан ваколатли органга белгиланган тартибда ахборот тақдим этади.

17. Рақобат тўғрисидаги қонунчиликка зид бўлган ва рақобатга салбий таъсир этаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар аниқланган тақдирда, ваколатли орган қонунчилик ҳужжатларига асосан:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тегишли тартибда таклифлар киритади;

вазирликлар, қўмиталар ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари юзасидан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатини белгиланган муддатда бартараф этиш тўғрисида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бажарилиши МАЖБУРИЙ БЎЛГАН ТАҚДИМНОМА киритади.

Ваколатли органнинг ҳудудий органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларини рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига ЗИД ДЕБ ТОПГАНДА, улар юзасидан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатини белгиланган муддатда бартараф этиш тўғрисида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бажарилиши МАЖБУРИЙ БЎЛГАН ТАҚДИМНОМА киритади.

- **Таклифлар “ex-ante” bo‘yicha:**

- Рақобат қўмитаси Адлия вазирлиги ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда:

- 1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартибини самарадорлигини баҳолаш ҳамда ушбу тизимни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар** ишлаб чиқиш;

- бунда, лойиҳани тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисоботни тўлдиришда:

- лойиҳада кўзда тутилаётган **норма белгиланиши натижасида товар ёки молия бозорига кирадиган ёки ундан чиқиб кетадиган тадбиркорлик субъектлари;**

- товар ёки молия бозорига кириш учун **қўшимча тартибга солиш, молиявий ва бюрократик, шунингдек янги технологиялар, маҳсулотлар ёки бизнес моделларини** амалиётга жорий этишга тўсиқларнинг мавжудлиги;

- давлат ёрдамининг **тенг шароитларда ёки якка тартибда берилиши бўйича таҳлилий маълумотларни** назарда тутиш;

- 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тартибга солий таъсирини баҳолашдан ўтказиш ва унинг натижалари бўйича **ҳисобот шакллантириш юзасидан давлат ораганлари ва ташкилотларининг масъул ходимларини ўқитишни** ташкил қилиш;

- 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини **жамоатчилик муҳокамаси ва идоралараро келишув якунлари бўйича қайта ишланган ҳолда хулоса берувчи органга кириш тизимини** йўлга қўйиш.

- 4. Маҳаллий давлат ҳокимият органлари томонидан **ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни келишишнинг электрон тизими орқали Рақобат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига тақдим этиш тизимини** йўлга қўйиш.

Таклифлар “ex-post” bo‘yicha:

1. Давлат ораганлари ва ташкилотлари маъсул ходимларини (комплаенс бўйича ваколатли шахсларни) норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишда **рақобат қонунчилиги талабларига риоя этилиши бўйича Рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқлари тадқиқотлари марказида ўқитишни ташкил этиш;**

2. Хўжалик юритувчи субъектларга **эксклюзив ҳуқуқларни тақдим этиш ва уларни бекор қилиш тартибини жорий қилиш;**

3. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари **мансабдор шахлари томонидан рақобатга зид ҳужжатлар қабул қилиганлиги учун маъмурий жавобгарлик чораларини белгилаш;**

4. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган **ҳужжатларни электрон тизимлардан фойдаланган ҳолда масофадан ўрганиш тизимини йўлга қўйиш;**

5. Рақобатга зид ҳужжатлар қабул қилинганлиги аниқланган давлат бошқаруви органларининг **вилоят, туман ва шаҳар бўлинмалари, шунингдек туман ва шаҳар маҳаллий ҳокимият органларида комплаенс тизими жорий этиш.**

- **Эътиборингиз учун раҳмат**